ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙҲАЁТИДАФУҚАРОЛАРЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Т.А.Аметов

Мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни ва роли ёритилган. Унда Қорақалпоғистон ҳудудида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнида йиғилган материаллар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: *фуқаро, сайлов, маҳалла, давлат, оқсоқол, маслаҳатчи, жамият.*

В статье рассматриваются место и роль самоуправления граждан в общественно-политической жизни Республики Каракалпакстан. Проанализированы материалы, собранные в процессе выборов председателей сходов граждан и их советников на территории Каракалпакстана.

Ключевые слова: *гражданин, выбор, махалля, государство, председатель, советник, общество.*

The article observes the place and role of citizen self management in social-political life of the Republic of Karakalpakstan. The author tries to analyze the materials collected during the election process of chairman among citizens and their assistants in the territory of Karakalpakstan.

Key words: *citizen, election, mahalla, state, chairman, adviser, society.*

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотлар ўтказилиб, самарали натижаларга эришиб келинмоқда. Давлатимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда мос бўлган усули – маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишларни 30 га яқин вазифалар мисолида бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «Айнан мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим» [1.30].

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти – жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, бу – «Кучли давлатдан кучли жамият сари» [2.389] тамойилини амалий ҳаётга татбиқ этиш демакдир.

Барчамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади. Бу борада давлатимизда қабул қилинган қонунлар, амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз И.Каримов сўзлари билан айтганда, «Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади» [3.26].

Мамлакатимиз ҳаётида эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Ушбу жараёнлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланиши, самарали усул-услублар ва шаклларга эга бўлиб бориши зарур. Айниқса, мустақиллик даврида ҳар томонлама ўзини оқлаган, тобора ҳаётимизда аҳамияти кучайиб бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимий эътиборда бўлмоқда. Бу масалада фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлан-

тириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услубларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз И.Каримов: «Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди. Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир» [4.111], - деб таъкидлаб ўтган эди.

Маҳалла ҳақида гапирганда, кўпчилик ана шундай чуқур маъноли сўзларни эслаши ва тилга олиши табиий. Улар шу тариқа наинки ўзларининг дарду ташвишларини ҳал қиладиган таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, айни вақтда, она юрт рамзи бўлган маҳаллага ўзининг муносабатини изҳор этади. Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар ва анъаналаримиз қайта тикланди. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини ўзи бошқариш органи, ҳақиқий демократия мактаби сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради.

Албатта, ҳаётимизнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва жамиятни демократлаштиришда маҳаллаларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ва мавқеини ошириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақоза қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига биноан, «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига асосланиб, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди [6.65].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги 186-II-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2011 йил 6 апрелдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги 78-сонли қарорларига асосан, 2011 йилнинг май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги 363 фуқаролар йиғинида (176 маҳалла, 138 овул ва 15 посёлка фуқаролар йиғинлари, шунингдек, посёлка ва овул фуқаролар йиғинларига қарашли 34 маҳалла фуқаролар йиғинлари) сайловлар ўтказилиб, уларда 18803 вакил (91%) қатнашди.

Фуқаролар йиғинларига сайланган 363 раисдан (оқсоқол) 307 нафари (84,6%) олий, 53 нафари (14,6%) ўрта-махсус, 3 нафари (0,8%) ўрта маълумотли; 131 нафари (36,1%) биринчи маротаба сайланди. Фуқаролар йиғинлари раисларининг 45 нафари (12,3%) 40 ёшгача, 134 нафари (36,9%) 40-50 ёш, 145 нафари (39,9%) 50-60 ёш оралиғида, 39 нафари (10, 7%) 60 ёшдан катта бўлиб, жами сайланган раисларнинг (оқсоқолларнинг) 36 нафарини (9,9%) хотин-қизлар ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жами бўлиб 3321 маслаҳатчи сайланди. Шундан 1875 нафари (56.5%) олий, 1175 нафари (35,3%) ўрта-махсус, 271 нафари (8,2 %) ўрта маълумотга эга бўлиб, хотин-қизлар 891 нафарни (26,8%) ташкил қилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайланган олий маълумотга эга раислар (оқсоқоллар) Нукус шаҳрида, Шўманой ва Нукус туманларида 100% ни ташкил қилган бўлса, Кегейли туманида 95%, Беруний, Тўрткўл, Қораўзак, Амударё, Тахтакўпир, Қанликўл ва Элликқалъа туманларида 81% дан 86,5% гача, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Мўйноқ туманларида ва Тахиаташ шаҳрида 63,6% дан 77,3% гачани ташкил этди. Умуман, сайланган раислардан (оқсоқоллардан) ўрта-махсус маълумотга эга бўлганлар Мўйноқ тумани ва Тахиаташ шаҳрида 30-36,4% бўлган бўлса, Қўнғирот, Чимбой, Хўжайли, Элликқалъа, Қанликўл, Тахтакўпир туманларида 17,6% дан 28,9% гача, Қораўзак, Беруний, Амударё, Тўрткўл туманларида 10,8% дан 15,4% гача, Кегейли туманида 5% ни ташкил қилди. Ўрта маълумотли фуқаролар йиғини раислари Амударё туманида 4,2%, Хўжайли туманида 37%, Тўрткўл туманида 2,7% ни ташкил этади.

Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) лавозимига сайланган хотин-қизлар Нукус, Тахиаташ шаҳарларида, Қўнғирот туманида 6-9,

Тўрткўл, Мўйноқ, Қораўзак, Чимбой, Қанликўл, Элликқалъа, Беруний туманларида 1-3 нафарни ташкил этган бўлса, Амударё, Кегейли, Нукус, Тахтакўпир, Хўжайли ва Шўманай туманларида умуман сайланмаган. Нукус тумани, Тахтакўпир, Шўманай, Элликқалъа, Қанликўл туманларида сайланган раислар (оқсоқоллар) 60 ёшгача бўлган фуқаролардир, 60 ёшдан юқори бўлганлар Нукус шаҳри, Тўрткўл, Қўнғирот туманларида 6-14 нафар, Амударё, Мўйноқ, Тахиаташ туманларида 2-3 нафар, Беруний, Кегейли, Хўжайли, Чимбой, Қораўзак туманларида 1 нафарни ташкил қилган. Фуқаролар йиғинлари раисларини (оқсоқолларини) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш кенг жамоатчиликнинг юқори даражадаги қатнашувида ва фуқароларнинг фаоллиги асосида юқори даражадаги ташкилотчилик билан, ҳаракатдаги қонун талабларига мувофиқ ошкоралик руҳида ўтказилиб, фуқаролардан сайланган вакиллар тўлиқ қатнашди ва раиснинг (оқсоқолнинг) олдинги муддатда олиб борган амалий ишларига жиддий эътибор қаратилди.

Бу ўринда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайлови халқимизнинг фаоллигида, жипслигида, уюшган ҳолда, қонун устуворлигида, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик асосида ўтказилганлигини алоҳида айтиб ўтмоқ жоиз. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим қадам бўлди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузини ошириш зарурлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бир неча бор гапирган эдилар. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузаларида давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтган қуйидаги сўзларни эслаб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз: «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил қилади» [8.333].

Мухтасар қилиб айтганда, фақат қонунгина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига кирадиган барча масалаларни ҳал этишнинг энг яхши асосидир. Шундай экан, ўзўзидан қуйидагича хулоса келиб чиқади: миллий қонун ҳужжатларини яхши билиш ва уни амалда қўллай олиш – фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиладиган номзодларга қўйиладиган энг зарур талаблардан ҳисобланмоғи керак. Бугунги кунда демократик, адолатли, кучли фуқаролик жамиятини қуришга асос солинди ва бу йўлда салмоқли қадамлар ҳам қўйилди. Олдимизда ҳали улкан вазифалар ва муаммолар бор экан, бугунги барча сайланган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ушбу мақсадлар, орзу-ниятларни амалга оширишга, бугун қўйилган вазифаларни адо этишга юксак масъулият билан ёндашадилар, деган фикрдамиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт йўли. Асарлар. 11-том.- Т.: Ўзбекистон, 2003.- Б.30.

2. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар. 7-томлик. – Т.: Ўзбекистон, 1999.– Б.389.

3. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 26.

4. Каримов И. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар. 21-томлик. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 11 том. – Б.111.

5. Қарақалпақстан Республикасы Жоқарғы Кеңесиниң ХАБАРНАМАСЫ. - №4 (13) 2011 жыл, июль–декабрь.– 65-б.

6. Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар. 8-том.– Т.: Ўзбекистон, 2000.– Б. 333.

Нукус давлат педагогика институти,
2015 йил 20 августда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Б.А.Кошчанов)